



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ШАНБА

СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

+ 165 (9661).

• 1989 йил 2 сентябрь •

Баҳоси 5 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида кенгаш

31 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлган кенгаш олий мактаб олдида турган долзарб вазифаларга бағишланди. Унда республика олий ўқув юр்தларнинг ректорлари, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар. Кенгашнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳамидов олиб борди.

Кенгашда талабалар ўрта-синда мафкуравий ва тарбиявий ишларни такомиллашти-

риш, мулоқот ва тўпланиб қолган вазифаларни биргаликда ҳал этиш йўлларини излаш зарурлиги таъкидланди. Олий ўқув юр்தлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг социал-маиший шароитларини яхшилаш муаммолари ўртага қўйилди.

Кенгашда Ўзсовпроф раиси Х. Алимова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

СЕНТЯБРГА ТОРТИҚ

Биринчи сентябрь куни Ўзбекистон пойтахтининг Сергели районда 1250 ўринга мўлжалланган янги мактаб ўз эшикларини очди. У янги турар-жойларда истиқомат қилаётган болаларга таълим бериш муаммоларини ҳал этишда кўмаклашди.

Тошкент шаҳар Октябрь райондаги 37-мактаб учун ҳам бу ўқув йили дастлабки ўқув йили бўлади. Шаҳардаги кўп мактаблар қўшимча қурилишлар туфайли кенгайрилди.

Бу йил Тошкентда жами қарийб олти минг ўринда бешта янги мактабни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Мавжуд сақизта мактабга қўшимча қурилган бинолар туфайли яна шунча ўқувчи ўрни пайдо бўлди.

(ЎзТАГ мухбири).

ТИНЧЛИК ДАРСИ

КЕЧА ЭРТА тонгдан бошлаб барча билим даргоҳлари ўқувчилар, олий ва ўрта махсус ўқув юр்தлари талабалари билан гавжумлашиб кетди. Айниқса, янги ўқув йилини янги мактабларда бошлаган ўғил-қизларнинг қувончлари чексиз эди. Биз Сергели райондаги янги 285-мактабда бўлганимизда бунинг дилдан ҳис этдик. Замонавий услубда қурилган, бу мактаб 1251 ўқувчининг ўз бағрига олди.

— Ўзбек ва рус гуруҳларидан иборат бешта олти ёшлилар синфи очилди, — дейди мактаб директори Элмира Расулова. — Уларда 104 нафар кичкинтой дастлабки машғулотларни бошлаб юборишди. Ислохот талаблари асосида жиҳозланган синфхоналарда олти ёшлилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳар бир синф учун алоҳида машғуллотлар ўтказувчи хона, ётоқхона ва ўйин заллари мавжуд.

Мактабни 159-трестнинг 8-қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёд этдилар. Унинг очилишида Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Л. А. Костин, район партия комитети секретари Б. В. Савченко, район ижроия комитети раиси Х. П. Изагуллаевлар қатнашдилар.

ОҚҚУРҒОН райондаги Навоий номи колхоз аъзоларининг фарзандлари янги ўқув йили арафасида ажойиб совға олдилар. Бу ерда фойдаланишга топширилган А. Қодирий номи 37-мактаб 240 ўқувчига мўлжалланган. М. Тўлабоева, Р. Бегимқулова, У. Ҳасанова каби тажрибали педагоглар янги мактабда дастлабки машғулотларни бошлаб юбордилар. Ўқувчилар ва ўқитувчилар коллективлари бу ерда яратилган барча шароитлардан мамнун бўлмоқдалар.

Факт ва рақамлар



✦ Областидаги мавжуд 808 та мактабларда 430 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда.

✦ Янги қуриб фойдаланишга топширилган 20 минг ўринли 40 та янги мактаб ва синфхоналарда бутун биринчи дарс бошланди.

✦ Областидаги 988 та мактабгача тарбия муассасаларида 156 мингта яқин кичкинтой тарбияланимоқда.

✦ Бутун областида мавжуд 34 та ўрта ҳунар-техника билим юр்தларининг 26 мингта яқин талабаси ҳам янги ўқув йилини бошлади.

✦ КЕЧА областимиздаги барча мактаблар, ўрта ва олий ўқув юр்தларида биринчи кўнроқ анграб, янги ўқув йилининг дастлабки машғулотлари бошланиб кетди. Суратларда: Коммунист райони Бордоққўл посёлкасидаги Қўйбасев номи 20-мактабнинг оина тили ўқитувчиси Ақча Исқандарова 3-синфдаги биринчи дарс мазмунини тишчилик бағишлади (юқоридега); Тошкент эленти ретелника алоқа институтини доценти Ханима Усмонова 1-курс талабалари билан дарс ўтказди (пасидега). А. ЗУФАРОВ суратлари.



• КПСС Марказий Комитетининг баёнотига билдирилаётган фикр-мулоҳазалар

ДЎСТЛИГИМИЗ, ҚУДРАТИМИЗ БИРЛИКДА

ҲАММА ГАП АҲИЛЛИКДА

КПСС Марказий Комитети Баёнотида тўғри таъкидланганидек, ҳар бир республика, ҳар бир регион ва бошқа республика ва регионлар билан бутун мамлакат билан минг-минглаб ҳўжалик, ижтимоий, маданий, илмий-технавий ришталар, инсоний алоқалар билан боғлангандир. Мабодо шу ришталарнинг бири узилгудек бўлса, бундан катта зарар кўришимиз турган гап. Буни мен шахримиз корхоналари мисолида яққолроқ ҳис этаман.

Олмалиқ шаҳридаги корхоналарда ишлатилаётган ускуналарнинг бир қисми Болтиқбўйи республикаларида тайёрланган бўлса, бир қисми РСФСР шаҳарларида тайёрланган. Узро алоқалар мустаҳкам бўлганлиги

учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришда узиллишлар содир бўлмаяпти. Агар ўртада келишмовчиликлар содир бўлса борми экономика издан чиқши табиий.

Корхонамиз ишчилари тушги танаффус ва дам олиш соатларида ўлкамизда бўлаётган воқеалар хусусида беихтиёр фикрлашамиз. Шундай соатларда ҳаммасларим Болтиқбўйи республикаларида рўй бераётган оғишларни афсусланиб тилга оладилар. Ҳамма гап аҳилликда деб бекизи айтилмайди. СССР барча халқлар учун ягона дийрдр. Барча республикалар шу катта оилада равнақ топиб келяпти.

Халқлар дўстлиги нима-ларга қодир эканлигини тарихдан яхши биламиз. Вата-

нимиз бошига оғир кунлар тушган дамларда халқларимиз биргалишиб бало-қазони даф этдилар, табиий офат оқибатларини тутатдилар. Бунга Тошкент янзисласи, Чернобил воқеаси, Арманистон фожияси мисол бўла олади. Эл бошига ташвиш тушган дамларда қардош республикалар дўстлиги ва биродарлиги яна бир бор синовдан ўтди.

Корхонамиз кичик бўлса ҳам цехларда 15 миллат вакиллари бир ёнадан бош чиқариб ишлашяпти. Уларнинг бир-бирларига меҳрибончилигини кўриб бошимиз кўнка етади. Дўстлик бебаҳо бойлик. Шу бондан ҳам ўсиб келаётган ёш авлодни дўстликка садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор беришимиз керак. Боғча ва мактабларда дўстликка бағишланган махсус машғулотлар ўтилса, яхши бўларди.

Абдували САИДОВ,
Олмалиқдаги 1-ғишт заводи ишчиси.

ОҚИБАТИНИ ЎЙЛАБ КЎРИНГ

КПСС Марказий Комитетининг Совет Болтиқбўйи республикаларидаги аҳвол ҳақидаги Баёнотини ўқиб, қаттиқ изтироб чекдим. Бонси шундаки, Арманистон, Тожикистонда юз берган табиий офатлару Чернобил фожияси айрим кишилар қалбига сира таъсир этмаган экан. Республикалар бошига тушган табиий офатлар озмунча оилаларни қақшатмади? Бу офатларни бутун мамлакат бир бўлиб бартараф этдик-ку. Наҳотки одамлар мана шулардан хулоса чиқаришмаса!

«Бўлингани бўри ер» деб бекизи айтишмаган. Агар ҳар бир республика ўз ҳолчана яшаса, «сеники, меникига» бориб, жой талашса, хасилик қилса бунинг оқибати

нималарга олиб келиши маълум-ку!

Бундан ташқари деярли ҳар кунни қайсибир мамлакатда содир бўлаётган фожия, ер шарда тарқаб бораётган СПИД касаллиги ҳақида марказий телевидение орқали гапирилади. Наҳотки мана шуларни кўра-била туриб инсон зоти тинч-тотув, аҳил ва биродарликда ҳаёт кечириши кераклигини тушунмаса.

Менимча, Болтиқбўйи республикаларидаги айрим кишилар демократия, ошкораликни нотўғри тушуниб иш кўришяпти.

Вилоят ПУЛАТОВА,
уй бекаси, Тошкент шаҳри.

НИЗОЛАР БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

БОЛТИҚБЎЙИ республикаларида рўй бераётган воқеаларга бутун мамлакатимизда бўлгани каби, бригаданинг ҳар бир аъзоси бефарқ эмас. Радио, телевидение, газеталар орқали берилаётган ахборотлар, хабарларни худди Чернобил аварияси, Арманистон ва Тожикистондаги зилзилалар каби бутун борлигимиз билан, юрагимиз ачишиб қутиб олдик, кузатмоқдамиз.

Фикримизча хоҳ бу Эстония бўлсин, хоҳ бу Латвия, хоҳ Литва бўлсин у ерда яшовчи ҳамма кишилар ҳам экстремистларча кайфиятда, миллатчи бўлишмаса керак. Аммо бир нарсани аниқ. У ер-

даги воқеаларга ўз вақтида чек қўйилмаса, миллатчилик кайфиятини сўндирмасан, ҳатто жуда кам бўлса ҳам онда-сонда учраётган, юз бераётган безориликларни тўхтатиб, бартараф қилмасан охири яхши бўлмаслиги мумкин. Ана шу нуқтага назардан биз бутун коллективимиз билан КПСС Марказий Комитетининг Баёнотида билдирилган ташвишга шерикмиз, уни ўз вақтида эълон қилинган ҳужжат деб ҳисоблаймиз.

Умуман кейинги пайтда мамлакатимиз турли бурчакларида бир-бириндан алам олишга ўхшаш ҳақоратли, миллатчилик тағфаси босил-

ган келишмовчиликлар кўпайиб кетди. Фарғонадаги меҳсети турклар билан бўлган можаролар ҳам шулар жумласидандир.

Кўп миллатли Ватанимиз, жумладан Болтиқбўйи республикаларида ҳар қандай вазиятда ҳам фавқулодда ҳо-дисаларга йўл қўймаслик, бунинг учун эса қайта қуриш даражасида амалга оширилаётганлиги одамларни ишонтириш, тушунтириш муҳимдир.

А. ЭГАМНАЗАРОВ,
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг брига-да бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

БИРЛАШМАГАН ТЎЗАР

КПСС Марказий Комитетининг Болтиқбўйи республикаларидаги аҳволга доир Баёнотини ўқиб изтиробга тушдим. Шунча йил тинч-тотув яшаб келган мамлакатимизда бугунга келиб нима-лар бўляпти ўзи?!

Орта тонгда яхши кайфият билан газеталарни кўлга олиб бирор хушхабар ёки қувончли воқеаларни ўқиб, дилимиз яйрар деган ўй билан саҳифаларини арақлар эканмиз кўзимиз нотаҳсон Мурожат ёки Баёнотларга тушиб, дилимиз хира тартади. Хали ўтмишга айланмай, ёдимизда турган Арманистон, Фарғона, Тожикистон, Қирғизистон фожияларининг асоратлари битиб улгурмай, яна бошқалари у-жудга келса. Узоқ йиллар

бирга яшаб келган дўст миллатлар бир-бирларидан узоқ-лашмишгача бориб етишса. Бир гуруҳ миллатчилик руҳидаги кишилар Совет Болтиқбўйи республикаларини иттифоқимиз доирасидан ажратиб олиш ниятида ҳаракат қилмоқдалар. Бу ўша республикалардаги халқлар тақдирини хавф остида қолдирмоқда.

Дано халқимизнинг «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» деган ҳикматли нақли бор. Дарҳақиқат, куч-қудратимиз бирлигимиздир. Миллатлараро дўстлик пойдевори метиндек мустаҳкам бўлса, уни ҳеч қандай ёвуз ниятли шахслар буза олмайдилар.

С. НОРХЎЖАЕВ,
кинотехник.



■ ДОНЕЦК. «Поиск-2Р» янги кон комбайни ўта нозик қатламларини қазийда, меҳнат уюмдорлигини кўтаришда кончиларнинг меҳнат шайорларини яхшилашга ёр-

дам беради. Горловкадаги Киров номили машинасозлик заводига ана шундай агрегатнинг дастлабкин ишлаб чиқарилди. Агрегат «Оржоникидзеуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси шахталарида жуда оғир шароитларда ишлайди.

■ МОСКВА. Пойтахтдаги «Москва» кинотеатри томошабинларини румин киноси кунларининг очилишига так-

лиф этди. Бу кўрик фашистларга қарши ва империалистларга қарши революциянинг, мамлакат социал ва миллий жиҳатдан озод этилганлигининг 45 йиллигига бағишланган. Бешта янги бандий фильмни ўз ичига олган программа билан Псков томошабинлари ҳам танишадилар.

■ МИНСК. Уч республика — РСФСР, Украина, Бе-

лоруссия олимлари, ёзувчилари ва журналистлари Днепр дарёсининг мавбанди мансабига қадар бўлган ерларнинг қандай аҳволда эканлигини акс эттирувчи аниқ хабарни тайёрлаш учун йилвандилар. Қўшма тарихий-экологик экспедиция улур дарё бошланадиган Смоленск областига жўнаб кетди.

■ ТУРСУНЗОДА. (Тожикистон ССР). Комсомол 60

йиллиги номи иختисослаштирилган совхоз баҳор фаслига қадар янги узум билан савдо қилишни мумкин. Бу ерда ҳаво ҳарорати ҳамда намлиги тартибга келтирилиб туриладиган жуда катта омборхона ниҳа тушди. Республикда шу йилнинг ўзида мева-сабзавотларини сақлаш қуввати 22 минг тоннага кўнайд.

■ ЛЕНИНГРАД. Ленин орденли Ленинград ҳарбий округи жангчилари кооператив зонасининг қиллоқ меҳнаткашларига яхши соға қилдилар. Улар узунлиги қариб 8 километр бўлган ва асфальт ётқизилган автомобиль йўлини фойдаланишга тошхирдилар.

■ КУЗБИШЕВ. Область деҳқонлари дон янчишни авж олдириб юбордилар. Улар учинчи миллион тонна донни янчишга киришдилар. Давлат омборларига Волганинг сара дон узлуксиз келтирилмоқда. Ҳозирнинг ўзида 550 минг тонна ғалла сотилади.

■ ИРКУТСК. Байкал соҳилларида драматург Александр Вампилов хотирасига бағишланган анъанавий кунлар ниҳоясига етди. Совет маданият фонди Иркутск обла-ласти бўлими адабий байрамга атаб юртдошга бағишланган чиройли девор календарини чиқарди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ВАҚТ ҒАНИМАТ, ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Ҳурматли газетхонлар! 1990 йил газета ва журналлари учун обуна қилиш давом этмоқда. Келаси йил ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ бир йилга — 7 сўм 68 тиини, олти ойга — 3 сўм 84 тиини.



• ОИЛА ДАВРАСИДА



КЕЛИН тушган хонадоннинг файзи ўзгача бўлади. Ҳар тонг эрта билан туриб ҳовлига, кўчаларга сув сепиб супуришга не етсин.

Абдусамат ака билан Сожида аялар ҳам олам-олам орзу-хаваслар билан беш ўғилни вояга етказдилар. Беш ўғилни катта қилишнинг ўзи бўлмади, албатта. Улар фарзанд кўрганларида, авваламбор унинг умрини, соғлигини, қаранглариде уларга суянич бўлишларини истган эдилар.

Катта ўғиллари Шерзод билан Бехзодлар вояга етгач кўш келин туширдилар. Улар жуда яхши турмуш кечиришмоқда, энди навбат Алишерга келди. Уни ўзи хоҳлаган, ўзи севган қизга уйлантиришди.

Ота-онанинг шодлиги оламга синамас эди. Ахир уларнинг хонадонига келин эмас, балки севиқли қизлари келатган эди. Келинлар Сожида ая учун ўз қизларидеи эди, улар ўзaro иноқ, юмушларини билиб-билиб қилишарди. Меҳмон келса буларга ҳавас билан қараб, бизларга ҳам шундай келинлар насиб қилсин, дея орзу қилишарди. Орадан йиллар ўтди. Улугбек билан кенжа ўғиллари Темиржонлар ҳам вояга етди. Бу сафар хонадонга опа-сингиллар келин бўлиб тушишди. Меҳр, иззат-ҳурмат бу хонадонда ҳаммага баб-баравар эди. Бир хонадонда беш келин тиқилиб яшасалар-да, атрофдагилар билишмасди. Вақти келиб уч оила биринкетин жой олиб чиқиб кетишди. Ота-она хонадониде Улугбек билан катта ўғиллари Шерзод қолди. Абдусамат ака билан Сожида ая фарзандларини мустакил ҳаёт кечиришга кузатар эканлар, уларга яхши тилаклар билдириб, бир-бирлари билан оқибатли бўлишга даъват этдилар. Абдусамат ака ҳамма фарзандларини олди олиб, катта ўғил отадан кейин ота бўлиб, келин эса она бўлиб қолишини айтиди. Аввалига фарзандлар ота-она ҳолидан тез-тез хабар олиб туришди. Бора-бора байрамлардагина келишадиган бўлишди. Кейин уларнинг қадамлари сийраклаша бошлади. Ота-она учун фарзандлари улғайиб, қанот ёзиб учиб кетса ҳам назарлариде фарзандлари ҳали гўдакдек туюларди. Фарзандлар эрта тонг билан салом бериб «Ойижон, дадажон яхши ётиб турдингизларми?

Кайфиятларингиз яхшими?» дейишса, олам янада нурафшон кўринарди уларнинг кўзларига.

Биз Абдусамат ака билан Сожида аянинг ўғиллари ва келинларидан негиз бундай бўлганини суриштирдик. «Биз ака-укалар бир қориндан талашиб-тортишиб тушганмиз, бир майини бешга бўлиб ейишга ҳам тайёрмиз. Лекин келинлар...» катта ўғил Шерзод ух тортади. — Келинлар аввалига иноқ эдилар. Бора-бора санманга бориб, бир-бирларини менсимай қолишди. Масалан, биттиси яхшироқ кўйлак олса бошқаси эрига тўполон қилиб «менга ҳам олиб берасиз. Ана, акангиз янгангизга олиб берибди» деб, бошқаси дам олгани кетса кейингиси «у ўйнагани кетди» деб қовоқ-тумшук қиларди. Ахир, биз беш ўғил бўлсак ҳам бешала-

га турадиган Мастура исмли овсинингиз мени, менга уни ёмонлаб, бир-биримизни гиж-гижлаб кетишарди. Овсиним мандан озгина хафа бўлиб юрадилар. Кейин яна ўша-ўша бўлиб кетамиз.

Кенжа келин Мастура билан суҳбатлашамиз: — Катта овсиним, қайнота-қайнонам билан биргамиз. Мен улардан нолимайман. Ҳатто толган-тутганимиз билан ишлари йўқ. Уларнингизга керак бўлади, сизлар ишлайсизлар, бизларга энди пул керак эмас, биз бола-чакамиздан қаримизни уздик, дейдилар. Кексаликларига қарамай овқатларимизни ҳам ишдан келгунимизча тайёрлаб қўйишди. Шундай ота-онанинг қадрига етмасам, мен ношукр бўламан. Меч овсинларим бу ерга келишмасин дедиман, келишсин, фақат тинч келиб

дейишингиз нотўғри. Ахир улар сизнинг турмуш ўртоғингизни овқат турғазини учун озмунча қийналишганини Қолаверса ҳамма келинлар ҳам шу хонадондагичалик қайнота-қайнона ҳақида илқ гапларни айтавермайдилар.

Биз Сожида аянинг тўртинчи келинлари билан суҳбатлашдик. У бизга: «Мен қайнота-қайнонамни жуда ҳурмат қиламан, уларнинг олдида бир умр қарздорман. Чунки мен ана шу хонадонга тушганимда ҳеч қандай овқат қилишни, пиширилари, умуман олганда дастурхон тузашини ҳам билмасдим. Қайнонам бу йўлда менга ўзимнинг онам қилмаган яхшиликларни қилдилар. Масалан, меҳмон келиб қолса ўзлари ош қилиб, келинни Муассар қилдилар дор эдилар. Меҳмонлар эса мактаб-мактаб тановул қилишарди. Рўзгор юмушларини ҳам мени қилди деб айбимни бекитиб кетар эдилар. Кейинчалик ўзим овқат қилишга, бошқа юмушларни бажаришга ҳаракат қилардим. Қайнонам фақат менинг айбимни эмас, балки ҳаммамизнинг айбимизни, камчиликлариимизни бекитиб, юзимизни ёруғ қилар эдилар», деди.

Биз Муассардан, неча кун бўлди уларни кўргангизми? — деб сўраганимизда, у «Аниқ билмайман, менимча 5-6 ойча бўлди борганимизга, лекин яқинда уларнинг ўзлари келиб кўриб кетишди. Невараларини соғинишган экан. Шунда мен ўзимни нодонлигимни билдим, ахир мен овсинларимни кўрмай, оғриманган бошимни оғритмай деб бормас эдим, қарасам уларга аччиқ қилиб, энг яқин кишиларимдан айрилиб қолаётган эканман. Бунинг кеч тушуниб етдим», — дейди.

Сожида аянинг сўнгги келинлариникига борганимизда, аянинг ўзлари қарши олдилар. Улар билан салом-алиқдан кейин, ўғиллари-келинларини сўрадик: «— Улар дам олгани кетишди. Биз чол-кампир невараларга қараб қолдик. Булар ҳали жуда ёш. Иссиқ овқат тайёрлаш керак. Иккинчиси эрта билан мактабга жўнатамиз, биттасини чолим борчага олиб борадилар. Мен шу уйин улар келгунча супуриб-сидириб ўтираман. Ҳадемай, 9-10 кунлардан кейин ўғлим билан келинни келишди, кейин яна биз ўз уйимизга кетамиз, дедилар.

Шунда биз улардан қайси ўғилчигиз, қайси келинингизни яхши кўрасиз деб сўрадик: «— Ҳаммаси ҳам яхши, ҳаммаси ҳам ақлли-хушли. Ахир, фарзанднинг ёмони бўлмайди-ку! Бешта ўғлимиз, ўнта бўлди, ўнтаси ҳозир йигирматадан ошиб кетди. Ҳаммаси ҳам ўзидан кўлайсин. Бир-бирларига оқибатли бўлишини, танлари соғ бўлсин», дейдилар.

Ҳурматли газетхон! Балки бу лавҳани ўқиб, ўзингиз ҳулоса чиқарсиз, меҳр-оқибат, эзгуликнинг қадрига етганлардан миннатдор бўласиз. Шахсиятарастлардан ранжирсиз. Балки ҳақиқат таъналардан кўнглингиз ташланар. Мен эса ота-она меҳри-оқибати олдида баш оғаман.

Матлева МҲМИНОВА.

ДИЙДОРИНГИЗНИ ДАРИҒ ТУТМАНГ

минингиз қурбимиз гоҳида етар, гоҳида етмасди. Ота-онамиз ҳам тинч-тотув яшанглар, деб насихат қилади. Лекин бошқа-бошқа уйда яшасак ҳам, келинлар бир-бирлари билан ҳеч келишолмайдилар. Уйга ота-онамизни бирга кўргани бориб қолсак, албатта ўша ерда тўполон бўлиб, бир-бирлари билан сан-манга бориб қолишарди. Ота-онам эса қайси бирларининг ёнини олишини билмай қолишарди. Ахир улар учун бешаламиз ҳам бир бутун олмадек эдик. Бир кун онам «нимча қилай, жон бола-ларим, ахир ўнг қўлимни тишласам, чап қўлим, чап қўлимни тишласам ўнг қўлим оғрийди» деган эдилар уларга. «Сизларга нима етишмайди. Гулдек фарзандларингиз бўлса, қайнона бўлиб мен сизларни хафа қилмасам. Уй-жойларингиз бошқа-бошқа бўлса, қайтанга бир-бирларингизникига меҳмонга бориб ўйин-кулги қилиб юрсаларингиз бўлмайди!» Кексалар, овсин-овсинга тош отар деб бежиз айтишмаган экан!»

Сожида аянинг келинлари билан суҳбатлашамиз. Катта келин:

— Мен шу уйда келин бўлиб тушганимга 20 йилдан ошди. Лекин шу 20 йил ичиде мен қайнота-қайнонамни ҳеч ранжитмаганман. Уларнинг фойдаси менга кўпроқ теккан. Тўрта фарзандимни овқат турғазини ёрдам бериб келишарди. Фақатгина менинг фарзандларимни эмас, овсинларимнинг ҳам фарзандларини овқат турғазини беришган. Ахир қарил бор уйда файз бўлади, берака бўлади.

Мен овсинларим билан яхшиман. Уйимизга келишса тағларига кўрпача ёзаман, яхши овқат қиламан. Уйин-кулги қиламиз. Кетганларидан 1-2 кун ўтгач маълум бўладики, бир-

келишсин. Улар келишганда ҳам эшикдан қўлла-қўруқ кириб келишарди. Кетишадиганида эса сетка-сетка нарсалар ташиб кетишарди. Шуниси алам қилади. Ахир қарияларни кўргани эшикдан қўруқ кириб келишса жуда хунук кўринар экан. Мен улардан бир дунё нарсаси талаб қилмайман аки улар олиб кетишадиганида қаршилик қилмайман. Ҳеч бўлмаса қарияларнинг кўнгли учун 4 та чон кўтариб келишса бўлади-ку! Ўзи иккинчи-уч ойда бир келишарди. Келишганда ҳам очилиб-сочилиб ўтиришмайди.

Иккинчи келин билан суҳбатлашганимизда, у: — Мен жуда бахтлиман дея олмайман Лекин шу оиллага келин бўлиб тушганимдан афсусланмайман-у бундан бахтлироқ бўлишим мумкин эди, деди.

Биз ундан негиз «мумкин эди» бу оиланинг нимаси ёмон деб сўраганимизда у: — Мен яхши кийиниб, курортларга, ҳеч бўлмаса бир марта бошқа мамлакатга боришни орзу қилар эдим. Лекин орзуларим сароб бўлиб чиқди, дейди.

Нима сиз фақат яхши кийиниб, курортма-курорт юришини бахтли бўлиш деб ўйлانسизми? Ахир устингиз бут, икки фарзанднинг онаси бўлсангиз, танингиз соғ, бахтингизга эрингиз ўқимишли, иш-билармон, Вақти келганда сизга қараб турмасдан ўзи рўзгор ишларини қилиб кетаверди. Бунинг нимаси ёмон, деганимизда, у бизга «қозир ҳамма тенг ҳуқуқли, неки қилсалар ўзларининг икки фарзандлари учун қилдилар» дейди. Қайнота-қайнонангиздан нолйисизми?

— Йўқ десам ҳам бўлади. Улар «куж» қари, қўлларидан иш келмайди.

Қари, қўлларидан иш келмайди

ДАЗМОЛ ИШЛАТИШНИ БИЛАСИЗ-МИ?

● Қизингиз дазмол либосдаги билинар-билинимас кири ойдиллаштириб қўяди. Шу сабабли фақат тоза кийимларингизга дазмолланг.

● Либосларга дазмол босишдан аввал йиртиқларини ямаб қўйинг. Акс ҳолда, иссиқ дазмол уни яна катта қилиб юборади.

● Дазмолланадиган буюмингиз намроқ чоғида дордан йиғиб олинг-да, гижим ерларини текислаб, тахлаб чиқинг. Сўнг-ра намлигидеи дазмолланг.

● Шойи кийимларни қўрқмай иссиқ дазмолда, тескари томондан дазмоллайверинг. Шойи ҳам намлигидеи дазмолланади. Аммо, шойини сув пуркаб дазмоллай кўрманг. Негаки сув тушган жойлар тегилиб-йиғилиб қолади.

Уй бекалари, сизлар учун

● Сатин, чит ва қанопдан буюмлар намлигидеи ўнг тарафдан дазмол иссиқлигидеи дазмолланади. Шунда чойшаб, дастурхон, кўрпа ва ёстиқ филофлари худди янгидек чиқади.

● Капрон, нейлон каби синтетик тоалар дазмолни ёқтирмайди. Шунинг ҳисобга олиб, синтетик тоалардан тикилган буюмларни дазмол қизиб улгурмай дазмоллаб олиш мақсадга мувофиқ.

● Мабодо дазмол қилётганда ипли газмол қўйлагингизни, дастурхон, сочқ каби буюмларни қуйдириб қўйган бўлсангиз, сув қўшилган қаттиққа (бир стакан сув миқдоридеи) ўша ернинг ўзини туни билан ивтиб қўйинг. Чайиб ташласангиз, доғдан эсар ҳам қолмайди.



ХОЗИРЧА...

Айнанлар ворисимиз, Бизни кутар истиқбол. Машлар билан кўнлар тингиз, Шўхрат томон—огир йўл Шўхсулар узра бердим Турама тез фурсатда. Кекса Олим қўққисини ҳам Забт этилиб, албатта. Хозирча-чи... ҳар кун Оёқ-кўлни тобалама. Шон-шўҳратга бурканнинг Сал кейинроқ, болайми? Г. ЕҲУБОВ ВА В. ЖИРНОВ фототезис.

• Социал масалалар бўлимида •

Ўгли волга этиб келиш кўриш ора-сида юрган оналарга кимнинг ҳаваси келмайди, дейсиз. Йигит ўқимшилигига эмас, балки қобил, ҳалол, босиқ ва келишган бўлса қизи бўй етаетган она ҳам ана шунда жон билан қўда-анда-чиликни орау қилади. Она борки бола-сининг бахтини, тинчини кўзлаб ўзати-дан кечади кўпича.

Кўҳликига жияним уйланишга шо-пилмади. Янгам икковимиз ўзимизча ҳали у қизни, ҳали бу қизни макто-ларга кўмиб ташладик. Бирини ўқи-мишли, бирини ўқули, бошқасини гў-зал, кейингисини одобли, яна бошқала-

тала келинларини ҳам сизлаб гапирди. Ўғилларнинг теъда мурося қилиб ке-тиши, бўлак чиқариб қўйганида ҳам ҳеч қийналмай рўзгорини тебратиб ошқича дилсизхонлардан ҳоли ишлатганили ҳақида сўрасангиз шундай жавоб бера-ди:

— Келинларимни сўраб-суриштириб, билиб олганман. Бизнинг оиламизда ҳеч ким норози бўлиб яшаш керак эмас. Ўғлимга доимо хотинини ҳурмат қили-шини, оила-рўзгор ишларида кўмакла-шини, келин кечалари боласи билан андармон бўлганида бепарво бўлмасли-гини қўлогига қўйиб бораман. Ўғилла-

ормоқдалар. Улар, босган қадамимни ҳеч ким билмайди деб ҳисоблашиб, на-қадар катта хато қилаётганларини би-либ, виждонлари олдига ҳаммаша бош-лари эгик юришга мажбур бўлаётган хотин-қизлар қисматига ачинасиз.

Оиланинг ўзига хос дилга яқин та-швиқларини, болалар тарбиясидаги ма-шаққатлари ва юрт ичида ота, ака ва иниларнинг бош кўтариб юришлари ҳақида ўйламайдиган аёллар (афсуски, баъзи қизлар ҳам) ўз изларини қанча-лик эҳтиётлиги билан беркитмасялар, барйор қадамлари элга аён бўлиб қо-ляпти. Биз ўзига ўт қўйганларга ачиниб кетамиз меҳрибонсироб. Бироқ, аҳлоқи бузуқ, пулга тузоқ қўйиб, давлат ишида номигагина ишлаб «ошиқ»лари кўнгли-ни хушлаб юривчилардан юз ўттиришга шайланмаган оғаларимиз ва иниларимиз-дан кўпм рози бўлиб кетолмайман. Не-гани, қайси замонда, қайси эркак ўз аё-лининг, қизи ва синглисининг ному-си-ори учун талашмаган. Уларни ўзининг қўдратли ҳимоясига олмаган? Ҳозир эса бир қўён қўрса бошқа қўзи кўр-масликка олиб кетмоқда. Бугун бу ўрто-ғи билан маншат кечасини ўтказган жувон билан ҳеч жирканмай эртаси Ўзи машинасига ўтқазиб хилватта олиб бор-моқда. Бунга эл билмайди деганлар ада-шади.

Ўзбек йигитлари орийатли, мард ва ҳалол деган номни олиб келишган ҳа-миша. Агар эр йигитларда орийат, ҳа-мият ёлқиллари сўниб қолган бўлса, аёлларимиз саргардонлик балолари-га гирифтор бўлиб, шармандални кўча-лардан «бахт» — пул қидиришга маж-бурдирлар. Қаерда ҳақ сўз ва талаб-чанлик еттишмаса ўша жойда маънавий дунёмизда чириш бошланаверади. Йи-гитларимизнинг юзи ҳаммаша ёруғ ва оталаримизнинг тили қисқ бўлмасин деган хотин-қиз ҳеч қачон ҳиёнатнинг алдовларига учаслиги керак. Ахир, ота ва акаларимизнинг, укажонларимизнинг қалбиде ишонсизлик уруғини сочиб, гумон азобиға қўймаслик учун ҳам бос-ган қадамимизга ҳушёрроқ бўлишимиз керак.

...Оналаримиз ўғил ўстираркан, одоб-ли, ҳалол ва меҳнаткаш келинни, қиз ўстираётганлар эса мард, жасур ва пок-домон кўвини орау қилишди. Яхши хо-тинга ёлчиган эркакнинг бағри бут бў-лади. Шулар ҳақида ўйлаганимда яна кўз олдимга бутун умрини болаларнинг иззатли-ҳурматли ва ахлоқли бўлиб тарбия топишга бахшида этган Хотам ака ҳам, келин-қизларини сизлаб, ўғил-ларини тўғри йўлга бошлаган Алим ака ҳам қандайдир улуг бўлиб кўринади.

Мени эса одамларнинг амали-ю, бой-лиги, қўша-қўша участкаси-ю машинаси эмас, оиласига ҳалоллиги, хотин-қизлар-га самимийлиги ва камтарлиги мафтун этаверади ҳар сафар ўйлаганимда.

Анора ХУДОИҚУЛОВА,
Оққўрғон райони.



ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

«Янгийўл райондаги Н. Нисёзов колхозининг «Кўк-ча» маҳалласини ўтай деб атасангиз ҳам ҳақингиз ке-тади. Бу маҳаллада на обо-дончилик ишларига қарала-ди, на ичши учун тоза сув бор».

Янгийўл район Совети иж-роя комитетининг раиси А. Юсуповдан Т. Қосимбоевнинг юқоридаги мазмундаги хати-га жавоб олинди. Унда кўр-сатилган фактлар мавжуд эканлиги текширишда тас-диқланган. Шу кунларда ма-ҳалла аҳолиси тоза сув би-лан таъминланмоқда. Маҳал-лада ободончилик ишлари— кўчаларни асфальтлаш, газ-лаштириш 1990 йил плани-га киритилди. Богча қурили-ши учун лойиҳа-смета ҳуж-жатлари тайёрланмоқда. Навбахор қишлоқ кенгаши ҳамда колхоз правлениеси аҳолининг маданий-маиший шароитини яхшилаш учун барча чораларни кўришга ти дейилди жавоб охирида.

Яна шу колхознинг Боль-шевик участкасида яшовчи И. Абдурахимов кўпича телефони ишламаслигидан шикоят қилган эди. Унинг хати юзасидан область те-хника ишлаб чиқариш алоқа бошқармасининг бошлиғи А. Н. Кудинов юборган жа-вобда И. Абдурахимовнинг телефони йўлданги нуқсон тугатилиб ҳозир бир меъёр-да ишлатганлиги, абонентга телефони ишлаганидан давр учун тўланган пул қайтари-либ берилиши кўрсатилган.

ОНАСИНИ КЎРИБ ҚИЗИНИ ОЛ...

рини эса обрўлик оила қизи эканлиги учун ўзаро маслаҳатлашган бўлди. Ўша қизлар ҳақида ўйлаганимда ҳар бирига бахт қилиб боқинишга ишондим, уларнинг маъсумлиги, камсуқумли эканлиги, покиси ва одоб сабоқларидан дарс олганлигига кўзим етганди...

Оналаримиз ўғил ўстираркан одобли келинни, қиз ўстирганлари эса ахлоқли мард кўвини орау қилишди. Бу томони яхши бир қараганда. Унда нега акримга юз тутган ёш оилалар, ҳиёнатга оёқ бо-саётган эр-хотинлар, боласининг бахти-га қуйган нотавон ота-оналар, етим-лиқни қисматга айлантираётган бола-кайлар бармоқ билан санарлик эмас-ку.

Маҳалламизда бир оила бор, ҳамма ҳурмат қилади. Катталар ҳам, кичи-лар ҳам уларнинг оиласини муқаддас деб билишди. Пиру-бадавлат, оқбатли бу оилда 11 фарзанд ўз йўлларини топиб кетти. Тўрт келин, олти кўёв кўрган Саида хола ва Хотам акалар каби меҳридор кичилар ҳақида ўйла-ганимда қалбимизнинг қаеридир бир орийатли тўямиз. Оилага кейинги келин тушганига қадар каттасини ўз иззати билан оқ фитиха бериб рўзгорини бўлак қилиб берадилар. Бирини бирдан одобли, хушмуомала келинларни кўриб дунёда Бахтининг бор эканлигига гумон қилмай-сиз. Бу оилда ўсган на қиз, на ўғил ҳали ҳануз ота-она юзига тик қараш-майди. Уларнинг ҳурматлари ҳаммаша бисёр. «Оққўрғон» совхоз 4-бўлимида истиқомат қиладиган яна битта оила ҳақида ҳам ана шундай фикрдан четга чиқолмайсиз. Сайдинсо опа ва Алим акаларнинг катта оиласидеги баракани ва тугулиқни эшитиб хурсанд бўласиз. Бу оила аъзоларининг ҳар бири меҳ-натсевар ва одобли. Сайдинсо опа тўр-

римдан ҳам кўпроқ ўзим уларни сиз-лаб, юмшоқ гапириб тураман. Ахир улар бировнинг меҳриятисе, менинг, шу ёмонларимнинг орқасидан умид билан оstonада юришибди. Агар ўғилларим бўлмаса бу келинларимнинг нафақат ўзи, бир тола сочи эшигимга келарми-кин... Келинларим ҳам ойи-ойи деб ат-рофимда парвона.

Шундай онага парвона бўлмай бўла-дими? Ахир келинларини ўғли қолди-б, қўша-қўшага ёмонлаб юрадиганлар ҳам оз эмас-ку. Халқимизда «онасини кўриб қизини ол» деган гап бор. Қиз аввало онасига тақлид қилади. Она оилада ё-гон ишлатса, номард бўлса, игна уш-лашни билмайдиган ношуд бўлса аф-суски, қизда ҳам шу камчилик бўйига қўшилиб ўсиб бораверади. Она ҳалол ва покиса, меҳрибон ва камтар бўлса қизлар ҳам ўз ўрнида шу гўзал фази-латлар билан элга танилаверади. Бор-ди-ю она ғийбатчи, инкиозламачи ва ча-қимчи бўлса афсуски, қизлари ҳам худ-ди шундай камчиликлардан ҳоли ў-смайди-да. Куйбишев номи колхозининг Керант участкасида Нишонбой ака Юсу-повлар оиласидеги ўзи билан ўз бахти-ни топиб, тушган жойига тош бўлиб униб-ўсиб кетётган қизлари Олтиной ва Эркиной каби сингилларимизнинг одобли-ахлоқли бўлиб воёга етганлиги-га ҳавасингиз келадди. Тушган жойлари-га бахт етказиб борган бундай сингил-ларимиз ҳақида яхши гапларни эшитиб оғаларимиз ва иниларимиз қаринида юзларимиз ёруғ бўлади.

Афсус-надоматлар бўлсинки, сўнги пайтларда қингирлик кўчаларидан «бахт» изловчи, ўзгаларнинг оиласига кўз олайтирувчи ва арзимаган совға-саломларини деб шармандалик ботқоғига ботиб бораётганлар ҳам элга танилиб

йиллиги» номи совхозда ташкил қилинган сафарбар оператив гуруҳининг бир кунлик навбатчилиги шундай яқунланди.

Совхозда ажойиб иш бошланганди. Кўнглили дру-жиначилардан оператив груп-

нов, комсомол комитетининг секретари Р. Иномовлар би-лан кўп ўйладик ва дружи-начилар моддий рағбатлан-тирилиб, етарли шароит яра-тилмас экан, рўйхат рўйхат-лигига қилиб кетаверади, деган фикрга келдик.

бўлди, баъзан маст ҳолда жамоат тартибини бузётган шахсларни ҳам уратиб қо-ламиз,— деди йиллиқда меҳнат коллективи кенгаши-нинг раиси Э. Катаманов.— Оператив гуруҳа қонубу-зарлар билан қатъий кураш

Сафарбар оператив груп-пага аъзо бўлишни истаган-лар кўп бўлди. Гурӯҳага комсомол комитетининг сек-ретари Р. Иномов, спорт за-ли директори С. Кулаев, стадион директори Ш. Ра-сулматов, спорт инструктори Х. Мамбетов, ҳайдовчилар Т. Аллазов, Т. Хусанов ва Т. Мақсудовлар танлаб олин-ди.

Оператив гуруҳа аъзолари автомашини билан таъмин-ланди. Гуруҳа аъзолари 28 февралдан иш бошладилар. Улар ҳафтада 4 кун совхоз территориясида навбатчи-лик қилишди. Милиция лейтепанти, участка инспек-тори Бахтиёр Уринбоев груп-па аъзолари билан навбатчи-лик олдидан суҳбат ўтказ-ди, уларга зарур йўл-йўриқ-лар кўрсатади. Навбатчилик вақти кечки соат 20 дан ту-ғи 1 гача. Қўнлича гуруҳа аъзолари тўнг саҳаргача қилиб кетишди. Гуруҳа аъзолари бўлиниб, ҳафтада 4 кун навбатчилик қилишляпти. Гуруҳа командири Р. Иномовнинг қундалик даф-тарига эса ҳар кун қилин-ган ишлар ёзиб бориляпти. Сафарбар оператив гуруҳа-нинг ишидан барча мамнун.

Б. ЖУМАНОВА,
Ғалаба райони.

ЯРИМ кеча Рустам Ино-мов бошчилигидаги сафарбар оператив гуруҳа совхоз тер-риториясида маст ҳолда уш-ланган Доғли Усейн ва Мав-жуда Сафароваларни район ҳушёрхонасига топишиб кел-лишадиган эди. Совхоз ош-хонаси ёнида турган чироғи ёниқ мотивлиқ шубҳали кў-ринди. Йигитларнинг гумони тўғри чиқди. Мотоцикл ёни-даги дарахт орқасида нота-ниш шахс яшириниб турар-ди. Сафарбар оператив груп-па аъзолари — 5 киши уни ўраб олдилар.

— Кечаси нима қилиб юрибсан?

— Нима ишларинг бор... Савола савол билан жа-воб берган йигитнинг оғзи-дан вино нси аниқди. Ми-лиция пунктига келтирил-ганда унинг шахси аниқлан-ди. Сергей Исайкин йилари судланган бўлиб ҳеч ерда ишламас, ўқимас экан. Унинг қўнтакларидан 67 сўм, 2 та кумуш узук ва 2 та кумуш исирга ва 1 та олтин тақчи-чоқ чиқди. Мотоцикл ҳам номерсиз эди. Эрталаб воқеа ойдиланди. Сергей совхоз ошхонасига ўғриликка ту-пиш мақсидида ошхона ой-наларини кўчириб олишга улгурган экан.

...«Ўзбекистон ССР беш

па тузиш ташаббуси кимдан чиқди?— сўраймиз совхоз партия комитети секретари С. Султонбековдан.

— Биз ҳар йили кўнглили халқ дружиначилари туза-миз,— дейди у.— Рўйхат қилиб, уни тасдиқлаб ҳам қўямиз. Бироқ натижа бўл-масди. Улар икки-уч кун навбатчилик қилишадига, сўнгра жимиб кетишарди. Нега шундай? Бу ҳақда сов-хоз директори Р. Каримов, совхоз касаба союз комите-тининг раиси Р. Хуснидди-

Шундай қилиб, шу йил-нинг март ойида совхоз меҳ-нат коллективи кенгашининг йиллиғи бўлди. Йиллиқда социалистик мулк ва киши-ларнинг шахсий мулки даҳ-лизлигини сақлаш, жамоат-чилик тартиб-интизомини йўлга қўйиш учун 8 киши-дан иборат сафарбар опера-тив гуруҳа тузишга кели-шилди.

— Кейинги пайтларда сов-хознинг маккажўҳориси, бедасини ўғрилашлар содир

олиб бориши керак.

Совхоз касаба союз коми-тети президиумининг йилли-ғида эса оператив гуруҳа-нинг йиллик иш лаяни тас-диқланди, иш якуналари бў-лигига эса қўйиладиган рағбат-лантиришга қарор қилинди: мамлакатимиз бўйлаб тури-стик саёҳатларга чиқиш учун йўлланмалар бериш, гуруҳа аъзоларининг ҳар бирига минг килограммдан дағал хапшак, 300 килограммдан дон ва пул мукофотлари билан тақ-дирлаш.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ

• МУШОИРА—89

(ҚАТРА)

«ЮРАККА ЎТМАГАЙ
ҲЕЧ КИМНИНГ ҲУКМИ...»

Абдулла Шер — аслида чинозлик. У ўрта мактабни тугатганидан сўнг ТошДУнинг журналистика факультетида таълим олган. Ўзининг «Кўкдам табассуми», «Алёр», «Роз», «Куз ҳилоли» каби шеърини мажмуалари билан шеърини мухлис-ларига яхши таниш. Байрон, Гейне сингари жаҳон адабиёти классикларининг шеър ва достонларини ўзбек тилига таржима қилган. СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Соғинчда шакл йўқ, лекин у ҳаёт
Кўзларининг тубига чуққан очунда:
«Ялғ» этган ҳар битта маънос учқунда
Севги бор, вафо бор, бор эрур
сабот.

Соғинчда шакл йўқ — сўзга қўнар у:
Юракнинг тарихи тушар қозғога,
Минг йиллик имлолар кирар овозга.
Соғинчда шакл йўқ — кўзга дўнар у:
Кечаги ҳисларнинг сурати унда,
Бугунги бардошнинг қудратини унда.

Бир кун англаб етарсан, беш кўлдек
бўлур аён
Отангин ҳар қадамда буровга олган
армон:

Мен ёзардим бор гапни, ёзардим
ўғлим, инон,
Тортиб турмасан эди енгимдан бир
бурда нон.

Жуфтликка чорлайди навбаҳор
қувноқ,
Ҳар жонзот жуфтига интилар, бироқ
Қирқинчи йиллардан қолган бевазлар
Маъбуда сингари ҳануз яшар тоқ.

Гултож деб шеърингни гадо қилдинг
сен,
Умрингни майдалаб, адо қилдинг сен.
Қаламни зўр бериб босдинг-у аммо
Қозғошмас, бетингни қаро қилдинг сен.

ЧАВАНДОЗ

Мен замон отида бораман учиб
Эгардир — Бугуним,
Жилловдир — Эртан,
Ўзатгидир Тарих мен учун,
(Койинга, еркам...)
Оёғининг тираб Тарихга,
Юзларининг босиб Замон ёлнга,
Киндигинга ботиб эгарининг қоши,
Жилловини бўш қўйиб,
Учиб бораман
(Койинга, қуйиб...)

Ахир, Инсон ўз асрининг
чавандозидир!
Абдулла ШЕР.



ОСИЛГАН СЎЗ

Асқар Қосимов хотирасига

Сен ўзингни осдинг. Айт, нега осдинг?
Шунча суяримдин ойна тупроқни, —
Унга юзянгимас, ўзингни босдинг!
Мен-чи, босолмайман ҳануз титроқни.
Менга ҳар бир чилвир, ҳар битта
дароҳт
Осилган орзуни эслатар... Даҳшат!
Чала достонларинг муяжжар бебаҳт.
Шеърларинг чинқираб туялари
қақшаб!

Сени марҳум дерлар ва лекин бу ном
Баъзи тирикларга кўпроқ ярашар:
Улар азада ҳам талашар унвон,
Улар ном баҳона нонин талашар.
Айт, шу насткашларга бир бор бўлса
ҳам

Юксакдан боқай деб ўзин осдингми?!
Ё не-не шонини кўрган бу олам
Бир салчиб тушсин деб Сўзини
осдингми?!
Айт, нега марҳумсан, Асқаржон
дўстим,

Тирик-ку бу ҳаёт, тирик-ку бахтлар!
Эзгу орзуларга асқаржон дўстим,
Ваъдалар шулдинда, шулдинда аҳдлар?!
Йўқ, йўқ, сен яшайсан! Юракда
қолдинг!

Юракка ўтмагай ҳеч кимнинг ҳукми.
Чунки сен кўтардинг, кўтара олдинг
Дунёда энг оғир шеър деган юкни!

СОҒИНЧ

Соғинчда овоз йўқ, лекин солиб дод
Ўйотиб юборар қоқ ярим тунда:
Қалбни оранқитирган бу сирдан унда
Орзу бор, армон бор, бордир хотирот.

нинг эшаги мункиб боласини
йиқитиб қочиб кетган бўлади;
иккинчи кун эса кимнингдир
товсуғи тухумни ўзининг жойи-
га эмас аллақандай бир қавак-
ка қўйиб кетади. Усмон булар-
нинг барини кишлоқнинг хо-
тин-халажларидан эшитди.
Ўтган кунни Ашир синфдоши-
нинг олапари занжирини узиб

бўб кетади, — дея бор ҳуна-
рини кўрсатиб бўлган Усмонга
юзланиб қўшиб қўйди: — Қа-
ни, болам, сув бер-чи мунга,
зора ичса!

Сигир сувини ётган еридаёқ
симириб олиб, яна боғидек
мўлтираб қараб ётведди. Хо-
тинлар уни турғазши учун қў-
лундилар, аввал меҳрибонлик

беҳос бошини сарак-сарак қи-
либ қаттиқ уҳ тортиди, сўнг:

— Сигиринг ўлишига бир
бахя қопти-ку, — деди ташвиш-
ли оҳангда.

Ҳаммасининг дами ичига ту-
шиб қолди чоғи, бир неча да-
қиқалик жимликни ҳоланинг
аянчи овози бузди:

— Вой, нега ўлади?! Нима

бир сўмликни олиб дарвоза-
дан чиқиб билан ортидан Ас-
рорқул чўпон кўринди. Оши-
ҳалолни йиғиб юрган экан,
аёлларнинг арзини тинглаб
бўлгач, сигирни кўтаришиб
ниҳоят оёққа турғаздилар.

— Нима еган бу! — деб сў-
ради Асрорқул сигирининг қор-
нини ушлаб қўриб.

Мухбира ҳола сигирининг
кечурун подадан қайтгандан
сўнг еган емишино ҳозиргина
берган сувига ҳола-пиша
сўзлаб берди. Асрорқулнинг
талабига биноан кўм-кўк беда-
дан бир тутам ўриб, олдиға
қўйдилар, емади, сўнг пичан,
сомон, ем, хатто қовун пўчо-
ғини ҳам муҳайё этдилар, би-
роқ Олабошининг иштаҳаси
очилмади.

— Арпа ёки буғдойдан то-
пиладими!

— Арпа бор. Ярим халтани
урғулликка деб олиб қўйибман.

Усмонжон, арпадан ёртдаки-
на олиб чиқ, айланай!

Мухбира ҳола гапни тугат-

масдан бурун сомонхонаға ки-
риб кетган Усмон тезда қай-
тиб қолди.

— Арпа йўқ! — деди у та-
гда бир ҳовучгина дон қолган
халтани кўрсатиб. — Сигирининг
излари бор, шу Олабош еб
қўйган-о-а!

— Вой, ўлсин! — Мухбира
ҳола беҳтиёр ўтириб қолди.
— Арпа ёки буғдой қопти-да!
Ҳа, бола бўлмай ҳар боло
бўлур! Кечқурун қозғига
маҳкам бойламаган экансан-
да, жувонмар! Ҳаммаини ово-
ра қилиб, фолчага фол очти-
риб... Ҳа, эсингни эт есин.
сенин. Аканг ўқишдан келсин,
бир болаб қулғонини чўзди-
риб қўймасан...

Мухтор АЛИ.

• Ҳажвия •

СИГИР

кетгач, бегона ит билан тиш-
лашиб бир қулғонини қонатиб
келибди. Ойиси буни гапириб,
нақ жумлам жаҳонга жар сол-
ди ўзиям, номалъум итнинг
ўзи тугул эгалари ҳам. (ал-
батта, кимлиги маълум эмас)
қарғишдан бенасиб қолмади.
Яна айтишча, олапар энди ил-
гариги шаштидан қайтиб қол-
ганимчи. Хуллас, Усмон эсини
танганидан бери шу аҳвол,
мана бугун уларнинг сигирини
бирор жин урди, шекилли...

Зум ўтмай Олабошини уч-
тўрт хотин-халаж ўраб олишиб,
гўё Африкадан келтирилган
жондорни қўришга келгандек
у ёнidan-бу ёнига ўтиб томо-
ша қилишди. Кинчани мома
бир пиллага қул солиб рўмон-
ча билан маҳкам боғлагач, си-
гирининг қорнини силай бошла-
ди.

— Шайтондан қирган бўл-
санг чиқ, одамдан қирган бўл-
санг чиқ, куф-суф! Ё бисмил-
ла, илло очқўздан қирсанг
чиқ, тўққўздан қирган бўлсанг
чиқ, ана, худо хоҳласа тузув

кўрғазган бўлишиб силадилар,
сўнгра арқон билан савалаб
ҳам кўрдилар, барибир ҳеч
нарсаси чиқмади, қайтагача ўл-
дирсанг ўлдир, лекин турмай-
ман дегандай инграб қўзилиб
олди. Буни қўриб Мухбира хо-
ланинг фиғони фалакка ўрла-
ди: «Қани энди бу зорманда-
нинг тили бўлсаю шартда айт-
са-қўйса қаери оғринганим».

— Ҳов, Мухбира, сигиринг-
га кўз теккан-ов, дейман, —
луқма қилди бир хотин би-
лимдонлик кўрсатиб. Холанинг
ҳам кўнглида бир шубҳа ўр-
малаб қолди: аллақердан кў-
чиб келиб, икки ўй нарида
яшаватган қолонинг «кўзи» бор
экинш, деган гапни эшитганди,
шу номинсофининг назари туш-
ган бўлмасин тагин!

Ҳаммасига балоғардон яна
Усмон бўлди, хотинларнинг
қистови билан маҳалладаги
фолчи хотинни айтиб чиқди. У
кела солиб, нимчаси чўнтаги-
дан учта гўштот қириқиб, қу-
руқшаб кетган озгин қўлларни
да айлантириб ташлаб кўрғач,

бўпти ўзи!

— Кўз тегибди! Бир мусо-
фир ёмон суқ билан қараган,
жониворнинг хароб бўлишига
бир кечагина қопти-я! Ҳай,
эсиз-а, жонивор-а!!

— Ўзим ҳам ўйлагандим шу
писмичи чол қараган деб, — хо-
ла дабдурдудан «портлаб»,
бисотидаги бор сўзлар билан
қарияни қарғашга тушди.

— Энди бу ёғини эшит, — де-
ди фолчи ўқини нишонга тўғри
урганидан кўзлари йилтираб.
— Битта ола товук сўйиб ис
чиқарсан. Яна сигирининг
туёғига чумчуқ қонини сурта-
сан, ирим шу буғини! Ҳа,
айтгандай, қирқта қатлама пи-
шириб ярмисини қўни-қўши-
га едириб, ярмисини менга
олиб бориб берасан. Шундай
қилсанг сигиринг ўғлиниб,
оёққа туриб кетади... Ҳай, ўғ-
лингни жўнат, ҳалигина ўзинг
гумон қилган қолонинг пайтава-
сини ўғирлаб келсин, исирқ
қилиб тутатгин. Ҳўлми!

Фолчи хотин хизмати эвази-
га тақдим этилган рўмон ва

• Ҳўжалик раҳбари билан суҳбат •

Раҳбар бўлиш осонмас. Айниқса, ҳозирги шароитда колхоз ёки совхозга етакчилик қилиш. Ҳамма сенга қараб туради, қадам олишингни сарайди. Кошки эди қармонингда пулинг бисёр бўлса, деҳ қонларинг ҳамма истак-талабларини бажо келтириш мумкин бўларди.

Лекин одамлар барибир ҳақиқий аҳвол билан ҳисоблашмайди: раҳбармисан, баҳона ахтарма, эпини қил, қўлингдан келмаса, бўшатиб қўй, деб туриб олишади. Эплайдиганини ўзимиз танлаб, сайлаб оламиз. Меҳнат қилаймиз, шунга яраша яшаймиз керак-ку! Бир жиҳатдан тўғри қилишди. Ахир раҳбар елиб-югуриши, жон койитиши, муаммоларни ҳал этиш йўллари эришмай қидириши керак. Бўна райондаги «Ленин» колхозининг раиси Қодир Элчибоев билан шу мавзуда мулоқот қилдик.

— Ҳар бир ишнинг муваффақияти инсонга боғлиқ. Гапни шундан бошлаш қўлайлик. Ҳўжаликда инсон омили, одамларнинг қўлини кўтариш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш учун қандай ишлар қилинмоқда?

— Гап гапни қўзғайди. Бу саволга жавоб бериш учун озорқ бўлса ҳам ҳасрат қилишга тўғри келади. Одамнинг кайфиятини кўтариш, қўлини олишинг ўзи бўлмайди. Бу иқтисодга боғлиқ. Биз эса ҳозирча камбағилмиз. Давлатдан қарадормиз. Ҳўжаликни 1988 йил февраль ойида қабул қилиб олганмиз. Ушунда 3 миллион сўм қарзимиз бор эди. Одамлар, тажриба-корлар билан маслаҳатлашиб, илгор тажрибага, илм-фан ютуқларига таяниб, бирмунча иш қилдик. Бригадаларда пудратни, ижарани жорий этдик. Анча силишиш бўлди чамамиз. 1,5 миллион сўм қарзимиз қолди.

Лекин барибир қийналяпмиз. Ҳўжалик эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсаларни ўз вақтида ололмаймиз. Мумкин эмас, кассада пулингиз йўқ, деб бошқача қўз билан қарашади. Шу тўғриси? Менимча адолатдан эмас.

Мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ота-она ўз фарзандини воғга етказиб, мустақил йўлга туширгунча унга едирди, қидириди, сўнг фарзанд бу қарзни қайтарди. Агар тазбир жон бўлса биз ҳам ҳозирча ўз йўлини топиб олишга ҳаракат қилаётган фарзандимиз. Бизни намситмасдан, озгина қўллаб ёрдам бериб турсалар, руҳлантисалар бўлган. Ахир камбағаллик айб ҳисобланмаслиги керак-да! Биз ҳам ўз навабига қараб турмаймиз. Ҳар бир соҳада, тармоқда ҳисоб-китобни пухта қилишга ҳаракат қилаймиз. Илоҳи бора ҳақиқатда бор бўлган ресурслардан, техника ва бошқа воситалардан унумли, тежамли фойдаланишга эътибор бераймиз. Сифатли маҳсулот етиштириб, уни ўз вақтида топшириб, тушпан пул ҳисобига кун кўраймиз. Бир амалда қарзларимизни узоқ муддатли қилиб олдик.

— Албатта, ишларни жўнаштириб юборишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ҳар

бир соҳада янгиланиш қўллаш ва жорий этиш, илгор тажрибаларни омиллаштириш керак бўлади. Шундай эмасми?

— Барибир, бу ишлар ҳам иқтисодий омилларга келиб тақалади. Қуруқ гап билан мақсадга эришиб бўлмайди ҳозир.

сан, бу ёққа югурасан, иш ҳам кўзга кўринмайди. То-пишга ҳаракат қиласан, қарабсизки интизом дарз кетади. Бу ёғи нима бўлиши маълум...

Бизга қўлимизга пул бермай қўй қўлинглар, дейишди деҳқонлар. Эҳтиёжамизни ўрганиб, рўзгоримиз учун керакли буюмларни етказиб беришлар. Бу талабда жон бор эди. Тегилли ташкилотлар билан маслаҳатлашиб йўлини топдик. Биласизми, меҳнат унумдорлиги бирданига кўтарилди, ҳатто ўзинг уёқ-бу ёққа ташлаб юради-ганлар ҳам ишга чиқа бошлади.

— Жуда яхши, омиллаштирса арзидиган тажриба экан.

— Бўлмасам-чи, лекин афсуски, бая айтганимдек, қўлимиз қалталаниб қилиб қолди. Қизин, мажлисларда бўлганимизда савдо ходимла-

тиришларни кўргандан сўнг одамлар ҳар хил ҳаёлга боришади. Раҳбарларнинг гапига ишониммай қўйишади.

— Ана шуниси кишига алам қилади-да. Мен ҳам шундай раҳбарлар «руйхати-га» тушиб қолмасам деб хавотирланаман.

— Очикроқ айтаяверинг...

— Раис эътиб сайланганимга ҳали кўп бўлгани йўқ эди. Бир гуруҳа колхозчилар киши-қўнқирлиги, ёзда чанг, кишда лойлигидан шиқот қилиб келишди. Мен ҳаракат қиламан, йўлни, албатта, тузатамиз, деб ваъда бердим. Лекин бу иш осон эмаслигини билардим. Тегилли ташкилотлар билан маслаҳатлашдим. Улар билан «тил» топишга ҳаракат қилдим. Ваъда беришди. Уч-тўрт кун ўтар-ўтмас шағал ортган машиналар кела бошлади. Ҳам-

керак, деган талаб қўйилипти.

— Тўғри талаб. Биз ҳам эл-юртни озиқ-овқат билан таъминлашга ҳисса қўлишга ҳаракат қилаймиз. Илгари пахта экиб келинган ерларнинг бир қисмида картошка, қовун-тарвуз, помидор ва бошқа сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Бу маҳсулотлардан озорги фирма магазини орқали сотилмоқда. Лекин очигини айтганда сабзавот етиштиришга сарф қилаётган меҳнатининг бир қисми зое кетаётди. Чунки маҳсулот етиштиришимиз, уни сотишга келганда қийналяпмиз. Тайёрловчи ташкилотлар вақтида олиб кетишмаяпти. Шартномага амал қилишмаяпти. Ўтган йили 10 тонна қарамни ўтказма олмадик. Қолиб қириб кетди. Бу йил ҳам ана шундай ҳолат такрорланди. Таҳминан беш тонна қарамни ташлаб юборишга мажбур бўлдик. Помидорнинг ҳар килограммининг 15 тииндан сотишмиз керак. Лекин ана шу арзон нархдаги маҳсулотни ҳам ўтказма олаймиз бўлаёلمиз. Шофёрларимиз Янгйўл консерва заводи дарвозаси олдида 2-3 кунлаб навбат қутиб туриб қолшади. Бу орада, албатта, маҳсулот бузилади, помидор сув бўлиб оқиб кетади. Пахтакор деҳқонга сабзавот етиштириш топширигини бергандан сўнг ҳосилини қабул қилиб олиш ва сотишга қўмақлаштириш ҳам ўйлаш керак-да.

Шаҳарга олиб тушиб ўзимиз сотайлик десак, бунга ҳам қўйишмайди. Қаёқдаги чекка-чекка жойларни айтишади. Лекин бу жойларга маҳсулот олиб бериб сотолмай қайтиб келамиз. Бозорга эса киритишмайди: бозорнинг ўз «эга»лари бормини!

— Бу муаммоларни ҳал этишда сизга чидам, сабот, бардошлик истаймиз. Энди асосий тармоқдаги аҳволдан ҳам бироз сўзлаб бермасангиз бўлмайди.

— Пахтани айтаяписми? Деҳқонларимизга раҳмат, улар бор тажриба, маҳоратларини ишга солиб, астойдил ҳаракат қилишди. Табиий офат келтирган зийнини ўрнини қоплаш учун курашдик. 600 гектар бузиб экилган майдонни ҳисобга олганганимизда умуман 1200 гектар майдонда ғўзаларнинг ҳолати ёмон эмас. Ҳар тунда 10-11 тадан қўсан бор. Лекин барибир пахтамиз ўтган йилдаги қараганда 15-16 кунга кечикмоқда. Ана шунини ҳисобга олиб парвартишни нам деганда 10 сентябргача давом эттиришга қарор қилдик. Қуз яхши келса бўлган. 3650 тонналик ҳирмон, албатта, уюлади. Эҳтимол бундан кўпроқ ҳам топширармиз. Ҳозирча бир нарса дейиш қийин...

Суҳбатни Н. РИХСИЕВ олиб борди.

КАМБАҒАЛЛИК АЙБ ҲИСОБЛАНАДИМИ?!

Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозда бўлганимда мен бир ҳолатни кузатдим ва ўзимча ишларимизга таққослаб, қисқасидим. Улардаги техника ер, сув ва бошқа имкониятлар бизда ҳам бор. Бизнинг деҳқонларимиз ҳам ириш-кор, улардан қолишмайди. Лекин нега натижамиз бир хил эмас? Уларда унумдорлик, ҳосилдорлик анча юқори. Биз ҳам курашаймиз-ку. Ҳаракат қилаймиз-ку, вақтида одамларга аванс, пул бериб, деганларидек, «сир» нимада?

— Оддий бир ҳақиқатни тўла тушуниб, англаб етмоқ керак. — деб айтишди менга совхоздагилар. — Одатда биз деҳқонга ёки чорвадорга кўрсатилган ғамхўрликни улар қанча пул ишлаётганликлари, ўртача ойлик маошларининг миқдори билан белгиланган ўрганиб қолганмиз. 350 сўм, 400 сўм, 500 сўм олаётми, деб ўзимизни ўзимиз оуатамиз. Ҳўш, деҳқон ёки чорвадор ана шу пулга ўзи истаган, қўнгли тусатган озиқ-овқатни харид қилиб олоётганими? Ороу қараси учун керакли буюмларни осонликча топа оладими? Бу ҳақда ўйлашни қўнглига ҳаёлга келтирмаймиз. Менимча ҳамма иллат ана шунда. Ахир қўлингиз жарақ-жарақ пулинг бўлса-ю, керакли нарсани ололмасангиз, бу пулинг қозғондан фарқи нима? Хафсаланг пир бўлади, алам қилади. Лекин ўша нарса керак. У ёққа югура-

ри, мутасаддилар ҳисоботда ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйишади. Ўтган йилдагидан кўпайди, палон пулинг товар ортинча сотилди... Ҳатто бу товарларнинг турлари қўнғайганлигини ҳам санашади. Вирок, уларни халқ кўрмапти-ку. Қани ўша буюмлар, қани ўша маҳсулотлар? Бу саволга аниқ жавобни кимдан оламиз.

Ҳа, майли, араб-винони қамайтириб, нархнини ошириб хато қилган бўлайлик. Эҳтимол шунинг учун шакар ва қанднинг бир қисминдан одамлар фойдаланиб «қўл-бола» ичимлик тайёрлашга ружу қилишгандир. Бу гаплар қанчалик рост ёки ёлгонлигини мутасаддилар текшириб кўришар. Лекин совуни, кир ювиш поропоги нега қамайиб кетди? Бу хилдаги рўзгор буюмларини ишлаб чиқарадиган заводлар ёлиб қўйилмаган, тўла қувват билан ишлашпти-ку? У ҳолда таққисилнинг сабабини қандай қилиб изохлаш керак? Ёки манфаатдор одамлар атайлаб бу камбўлиқни вужудга келтиришгандими? Тунов кунни телевизор томоша қилаётиб хангу-манг бўлиб қолдик. Битта магазинда одамларга биттадан совуни, граммлаб порошокни ўлчаб беришляпти. Бошқа бир ёқда эса «учарлар» натта юк машинасини ана шундай тақчил молга тўлдириб, қаёққадир олиб кетишляпти. Биласан, Бўнадан экан. Ғазабим қайнаб кетди.

— Албатта, бундай эшит-

мамиз хурсанд бўлдик. Бирок бу хурсандлик узоқча бормади. 8-10 километрлик йўлнинг бор-йўри 1,5-2 километрга шағал тўкишгач, йўл қурувчилари қораларини кўрсатишмай қўйишди. Ана шундан бўён олти ой ўтди. Улардан дарак йўқ. Эрта-киндигингиз бошланса, билмадим, ҳолимиз не кечаркин? Колхозчилар эса мени уялтиришляпти. Яқинда областнинг катталаридан бири келди. Унга арз-доимизни айтдик. Албатта тезлаштириб берамиз, деб ваъда қилди. Барибир иш тўхтаб турибди. Бу дейман, қурилиш ташкилотларига ҳеч кимнинг гапи ўтмас экан-да.

Колхозимизда 1982 йилда бошланган чорвачилик комплекси ҳалигача битмай чала-чулла ётганлигини айтмай-сизми? Бу орада қурувчи ташкилотнинг учта раҳбари ўзгаришди. Уларнинг бири марҳум бўлиб кетди. Ҳар гал раҳбарни янги бўлгач, қоп-қоп ваъда беради. Қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдиради. Ўтказган пулимизни «ҳазм қилиб» оладида ишни охиригача етказмай, ҳайр-маъзурини насия қилиб кетяверади.

Тўғри, ҳозир у ерда мол боқилляпти, лекин электр қурилмалари ва бошқа механизмлар ўрнатилмаган. Чорвадорлар дам оладиган хона чала-чулла ташлаб кетилган. Кимга айтиллик додимизни?

— Кейинги пайтларда ҳар бир пахтакор ҳўжаликнинг ўз озиқ-овқат даласи бўлиши

РАТЧИЛАР ҲАР ТЕКТАРИДАН 120 центнердан юзум топширишга аҳд қилганлар. Сурагидеялар Н. Эргашев бошлиқ бригадасининг тоқдорларда табиий офат қийинчиликлари мардона енгилди. Меҳнат пудрат асосида ташки этилганлиги ютуқлар гарови бўлмоқда. Анча кунларда 18 гектар майдондан юзум пешма-пеш ўқилаётди. Пуд.

М. НАЗАРОВ сураги.



ТИНЧЛИКНИ ҚАДРЛАЙДИ

ҚАЙИМБОЙ Қоракўзов 1938 йил Совет Армияси сафига қабирилди. Билакларни куч-қувватга тўлган, ёш бўлишга қарамай меҳнатда чиниққан Қайимбой дастлаб Филиадия ерларида, сўнг Бессарабия ва Молдавия тупроғида хизмат қилди. 1941 йил улуг Ватан урушининг дастлабки кунидан бошлаб Белоруссия фронтда жангга кириди. У разведкачи эди. Белоруссия кишлоқларининг бирига махсус топшириқ билан юборилган Қайимбой дўсти Сулаймон билан душман газандаларининг бир тўдасини дам олишга тўтатди. Қўнғи кетаётган немис офицерини эса икки қуролдош қаққонлик билан асирга оладилар. Бўлимга олиб келинган

асир сўроқ қилинганда ўта муҳим маълумотлар қўлга киритилди. Мана шу жасорати учун икки қуролдош Сулаймон Усмонов ҳамда Қайимбой Қоракўзов «Жа-сурлиги учун» медалига сазовор бўладилар.

Урушдан ўз онласи, она қишлоғи — «Қирсадақ» бағрига ғалаба билан қайтган Қ. Қоракўзов колхозни тиклаш ишга самараларни ҳисса қўшди. Гулзира Исмоилова билан турмуш қўрган Қайимбой 5 нафар фарзанд — 3 қиз, 2 ўғилни воғга етказди.

Қайимбой ота ёшларни она-Ватанини севиш, инсонни ардоқлаш, тинчликни қадрлашга ўргатиб келади.

М. АПИРҚУЛОВА, Коммунистик райони.

• ҲАҒТАЛИК ПРОГРАММА •

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДА

КОЛХОЗНИНГ
ЯНГИ АНСАМБЛИ

● ОРЖОНИКИДЗЕ районининг Байқўрғон қишлоғидаги «Правда» колхозида санъатга меҳр қўйган ёшлар сафи тобора ортиб бормоқда. Шу босидан ҳам колхоз клубида янги-янги бадий ҳаваскорлик тўғрисида ташкил қилинмоқда. Яқинда уларнинг сафига яна бир ансамбль қўшилди. «Дилрабо» деб ном олган бу ансамблга колхоздаги 16-ўрта мактаб музика ўқитувчиси

Юсуф Холматов раҳбарлик қилмоқда. Турли ёшдаги колхоз меҳнаткашларини бирлаштирган ушбу ансамбль куни кеча А. Жўрабоев бошчилиги қилаётган 8-бригадада ўзининг дастлабки концерт программасини намойиш этди. Ансамблнинг айнқса, «Муножот», «Тановор», «Ер-ёр» каби куй ва қўшиқлари бригада меҳнаткашларига завқ бағишлади.

Р. ИНОҒОМОВА.

ШАРШАРА «КАМАЛАГИ»

● ОРЖОНИКИДЗЕ районидagi «Красный водопад» экспериментал базаси ишчи ва хизматчиларнинг фарзандлари учун 140 ўринли болалар боғчаси қуриб фойдаланишга топширилди. Янги боғчага «Кама-

лак» деб ном берилди. 30-механизациялашган кўча колонна курувчилари қўлидан чиққан боғчада спорт зали, музика ва ўйин хоналари, чўмилиш ҳавзаси бор.

Ш. ТАЛАЕВ.

• Акс садо •

ОТАМИЗ ТИРИК

«Тошкент ҳақиқати» газетасида шу йил 17 августда «Ҳарбий архивларни арақлаб» рубрикаси остида чиққан «Жасур жангчиларни танийсизми!» сарлавхали мақолани ўқиб жуда ҳаяжонланиб кетдим. Сабаби унда менинг отам Абдурауф Абдуллазонович Фаизовнинг уруш йилларидаги хизматлари тасвирланган. Шу муносабат

билан мақола айлари «М. Самадовга миннатдорчилигимни изҳор этиб, отам ҳозирда ҳарёт эканлигини хабар қилмоқчиман. Ҳозирги кунда отамиз Паркент район Сигбатуллин кўча 8-уйда истиқомат қилмоқда. Шу районнинг «Коммуна» совхозида статист, ёшларнинг мураббийси.

Рашид ФАИЗОВ.



БАХТИЁРМИЗ...

Бахтиёримиз, бахтиёримиз
Узоқ турсин бу олам!
Севги-вафо аҳдикизга
Гувоҳ бўлсин бу олам.
Бир-биримиз қўллаб ҳар дам.
Мудом бирга бўлайлик.
Ота-она бўлиб биз ҳам,

Қўш-қўш фарзанд кўрайлик.
Бахтиёмиздан дунё ҳам маст,
Гоҳ жонлайиб, гоҳ куйсин,
Тўплардан ҳам ўқлар эмас,
Турфа гуллар ёғилсин!

А. АБАЛЯН фототўдди.

ФУТБОЛ МУХЛИСНИНГ
ХАТИАБДУРАИМОВНИ
ҚАЙТА
ТИКЛАШСА...

Футбол шарҳловчиси Ш. Умурақовнинг «Навбатдагиси ким?» мақоласи мени кўлимга қалам олишга мажбур қилди. Мақолада «Пахтакор» командасининг катта тренери В. Носовнинг аллақачон (номардларча) жуфтани ростилаб қолганлиги, «Пахтакор» командасининг 7—8 йил мобайнида катта тренери ёлчилаётгани, командани бу йил ҳам олий лигага чиқиши тўғрисидаги ҳақида куюниб фикр билдирилган.

Ҳақиқатан ҳам «Пахтакор» командаси анчадан бери катта тренери ёлчилаётгани. Утган йили футбол ишқибозларининг қувончига-қувонч қўшилган бўлган. Чунки, олий лигага чиқиш учун дэвоғарлик қилаётган командалар сафига «Пахтакор» ҳам бор эди. Ушанда «Пахтакор»га омад кулиб бормасди, лекин футбол ишқибозлари ундан умидларини узимиб қолган.

Йил бошига келиб футбол ишқибозларининг умиди пучга чиқди. Ҳеч бир асосиз катта тренер Б. Х. Абдураимов вазифасидан олиб ташланди.

«Пахтакор» командаси уйинчилари ёмон ўйнашди деб айтиб бўлмайди. Командада иктидорли уйинчилар кўп, лекин уларни тарбиялаб йўлга сола билмиш керак. Бунинг учун командага истеъдодли ва иродаси мустаҳкам тренер керак.

Бизнинг республика футбол бўлими ва спорт комитети раҳбарларидан илтимосимиз шуки, «Пахтакор» командасига «Пахтакор»нинг собиқ уйинчиси, собиқ катта тренери Биродар Ҳасанович Абдураимовни қайтариш ва қайтадан «катта тренер» қилиб сайлаш.

Шухрат МУРОДОВ,
Қўнбешев район социал ташкилот бўлимининг катта инспектори.

ОҚ КАРКИДОН

● ШАРҚИЙ Чехиядаги Давур-Кралов шаҳри ҳайвонот боғида туғилган каркидон боласига Нейн деб исм қўйилди. Каркидон боласининг туқулганлигида туғилиши жуда нодир ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳайвонот боғи хизматчиларининг қувончи чексиз: ахир, бу мазкур боғдаги оқ каркидоннинг шу ерда туғилган тўртинчи боласи-да. Маълумки, ҳайвонларнинг бу тури фақат Жанубий Судангагина яшайди. Қолаверса, бу ерда ҳам улар бир неча ўн донагина сақланиб қолган.

Деярли 50 килограммли вазнда туғилган каркидон боласи ўзини жуда яхши ҳис қилмоқда. Туғилганидан кейин

икки соат ҳам ўтмай у онаси сутини эма бошлади, бир неча кун ўтмай эса оғтибда исини учун ташқарига чиқди. Лекин, ёш каркидонни ҳозирча ҳайвонот боғига ташриф буюраётганларга кўрсатишмапти.

СОХТА ДОЛЛАРЛАР...

● КАНАДА полицияси 50 долларли қалбаки пуллари



излайвери, ҳолдан тойди. Мамлакатнинг Чирик банклари бу ҳақда огоҳлантириб ҳам қўйилди. Йил бошидан бери, фақат 34 донга сохта пул топилди, холос. Сабаби — уларни чинакам долларлардан фарқлаш мушкул. «Рангли нусхалар олиш имконини берувчи лазер курилмалари ксерокслар пайдо бўлган» деб ёзди «Торонто стар» газетаси, — 50 долларли қалбаки пуллари чоп этиш оддий иш бўлиб қолди.

Полиция сохта пул чоп этаётган Хосе Мартинс исмли кимсани фақат тасодиқ туфайли қўлга олди. Маълум бўлишича Мартинс 24 минг доллардан ортиқ шундай пуллар чоп этган экан...

● Алғов-далғов тарих.

● «Тараққийпарвар» тўнқалар.

Расмлари В. ПЕСКОВ ва А. ОРЕХОВ чизган.



В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДЎСТЛИГИ САРОИИДА
13, 14 сентябрь соат 17.00 да 19.30 да

КУЛИБ-ТИНГЛАБ,
ДАМ ОЛИНГ, ДЎСТЛАР

ҚАТНАШАДИЛАР:

Қўдон шаҳар аскиячилари: Иўдошхон НОСИРОВ
Муҳаббатхон ТОШПҲАТОВА, Жўраҳон ПҲЛАТОВ,
Ғабсиддин АБДУРАҲМОМОВ;

Фарғона область Ленин комсомолни мукофоти лауреати
ШЕРҚЎЗИЕВЛАР ОИМЛАРИ АНСАМБЛИ
Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзини
«ДИЛШОД» АНСАМБЛИ

6-жаҳон фестивалининг лауреати Отажон РАҲАБОВ.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Мў-
табар ИЎЛДОШЕВА, Салоҳиддин ТҲҲАСИНОВ

Ўзбекистон ССР Ленин комсомолни мукофоти лауреати
Ғуломқодир ЭҒАШЕВ,
Санобархон ШОИҚРОВА, Абдурауф ЕҒУЗОВ, Хо-
там ҚОСИМОВ, Бахриддин БЕКМУРОДОВ ва бошқалар.

Програмиани — Ўткир СИДИҚОВ олиб боради.
Ансамблларнинг бадий раҳбари — Ўзбекистон ССРда
хизмат кўрсатган артист, бастакор Салоҳиддин ТҲҲА-
СИНОВ.

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.



ХАБАР БЕРАДИ

«02» ХАБАР ҚИЛАДИ

● 24 август кўни оғир тан жароҳатлари туфайли С. Эшонқупова исмли аёл оламдан кўз юмди. Жиноят изига тушган милиция ходимлари эртаси кўниёқ Янгийўл шаҳрида истиқомат қилувчи 56 ёшли С. Шохизиндиновни қўлга олдилар. У қилмишига иқдор бўлди. Тергов ишлари олиб борилаётганда.

● 29 август кўни соат 21 ларда 20—24 - ТШБ номерли «ЯВА» — 350 мотоциклнинг ҳайдаб келаётган 20—25 ёшлардаги номалум йнги Чирчиқ шаҳридаги «Кооператор» кооперативни ҳайдовчиси бошқараётган М 88—86 ТШ номерли ВА3—21011 машиниси билан тўқнашиб кетди. Натикда, мотоциклчи ҳалок бўлди. Тергов давом этаётган.

● 26 август кўни Л 92—01 ТШ номерли ВА3—2101 авто-мобилини ўғирлаганида айбланиб, Олмалик ремонт-қурилиш-монтаж бошқармасининг ишчиси З. Э. Сатдинов ҳибсга олинди. У айбига иқдор бўлди. Тергов давом этаётган.

● 29 август кўни Ёўстонилик район милиция бўлимига Ғазалкент шаҳрида истиқомат қилувчи 16 ёшли Зулфия Сарсенбоеванинг бедарак йўқолгани ҳақида маълум қилишди. У 14 август кўни уйдан чиқиб, Чирчиқ шаҳри томон йўл олган. Шундан бери дом-дараксиз. Белгилари: бўйи 170 см, оғзини, сочлари қора ва калта, қўшқўзи қора, ўша кўни оқ йўллари бор мовий кофта, кўн юбка кийган эди.

Зулфиянинг кейинги тақдирини ҳақида бирор нарсга билган ёки эшитган одамларнинг бирор милиция бўлимига ёки қўйидаги телефонларга мурожаат қилишларини сўраймиз: 02, 64-65-59; 33-53-04.

Область иқрожа комитети Ички ишлар бошқармаси матбуот маркази.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.